

ЭКОЛОГИЧЕСКИЙ
ВЕСТНИК
УЗБЕКИСТАНА

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TABIATNI MUHOFAZA QILISH DAVLAT QO'MITASINING
AXBOROT-TAHLILIIY VA ILMIY-AMALIY JURNALI

ИНФОРМАЦИОННО-АНАЛИТИЧЕСКИЙ
И НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
ГОСКОМПРИРОДЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

№11(186)2016

ekoLOGIYA


xabarnomasi

www.econews.uz

ISSN 2010-703X

**“Chinor - ENK”
ekologik - noshirlik
kompaniyasi**

20
yoshda



O'zbekiston Respublikasi Tabiatni muhofaza qilish davlat qo'mitasining axborot-tahliliy va ilmiy-amaliy jurnali
Информационно-аналитический и научно-практический журнал
Госкомприроды Республики Узбекистан



Муассис:
Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси

Таҳрир кенгаши раиси:
Б. АБДУСАМАТОВ

Таҳрир кенгаши аъзолари:
Б. ТАЖИЕВ,
С. САЙДАЛИЕВ,
Б. АБДУХАЛИМОВ,
В. ЧУБ,
У. БУРАНОВ,
С. ЛУТФУЛЛАЕВ,
Б. ТОШМУХАММЕДОВ,
С. МУХТОРАЛИЕВ

Бош муҳаррир:
Ҳ. ТЕШАБОВЕВ

Масъул котиб:
Г. МЕНГЗИЯЕВА

Муҳаррирлар:
Н. АБДУЛЛАЕВА,
Е. КУРКИНА,
Н. КИСЕЛЬ

Саҳифаловчи-дизайнер:
Ж. УРИНОВ

Нашр Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг рўйхатига киритилган.

Обуна индекси: 910

Таҳририят манзили: 100185 Тошкент шаҳар,
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.
Телефон: 216-59-85
Факс: 216-37-95
E-mail: info@econews.uz
chinorenk@rambler.ru

Таҳририят фикри муаллифлар фикри билан
тўғри келмаслиги мумкин.

Реклама учун жавобгарлик – реклама берувчи
зиммасида.

2008 йил 7 мартда Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан рўйхатга
олинган.
Рўйхатга олиш рақами №0515

Босишга рухсат этилди 28.11.2016
Формати 60x84¹/₈.
Табоғи 7 б.т.
Адади _____
Буюртма № _____

Баҳоси келишилган нархда.
«SANO-STANDART» МЧЖ босмахонасида
офсет усулида чоп этилди.

Матбаа гувоҳномаси рақами № 10-3083.
Манзил: Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси,
100-уй.

МУҲАРРИР МИНБАРИ

Биз 20 ёшдамиз!

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚУМИТАСИ ФАОЛИЯТИДАН

Ютуқ ва камчиликлар сарҳисоб қилинди

СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ 50 ЁШДА

Ўзбекистонда замонавий сейсмологиянинг долзарб муаммолари
муҳокама қилинди

Анжуман нафаси: мулоҳазалар, тилаклар, қутловлар

Сейсмология институти 50 ёшда!

ГИПОТЕЗАЛАР – ТАДҚИҚОТЛАР – ИХТИРОЛАР

В. РАФИКОВ, Н. РАФИКОВА

Пустынные леса – большой потенциал Узбекистана

Қ. АБДУЛЛАБЕКОВ

Экологиянинг глобал ва локал муаммолари

М. АЛЛАМУРАТОВ, С. ЖУМАНОВА, Ф. АБДУКАДИРОВ

Новые методы и реагенты для закрепления подвижных песков осушенного
дна аральского моря

20 Ғ. АВАЛБЕКОВ, З. НОРҚУЛОВА, Ш. ҲАЗРАТҚУЛОВ

Энергетика саноатининг биосферани ифлослантириш муаммолари

22 Б. КУРБАНОВ, Н. АСКАРХОДЖАЕВ, Х. МАГДИЕВ

К вопросу ведения мониторинга окружающей среды на базе использования
биоиндикационных методов и ГИС-технологий

26 А. РЎЗИМУРОДОВ, С. МАВЛОНОВ

Биологик усул – долзарб муаммо

29 И. КАРАБОВЕВ

Турли миқдорда ўсимлик қолдиқларини қолдириб ерга ишлов беришнинг
тупроқ сув ўтказувчанлиги ҳамда ўсимлик ҳосилдорлигига таъсири

31 Х. ЯРМУХАМЕДОВ, И. УСМАНОВ, Ф. СИДИКОВ, Ш. АЛИМОВ И

Совершенствование системы оценки воздействий автотранспорта
на окружающую среду

33 Д. БОТИРОВА

Тустовуқ (қирғовул) маккажўхорини ҳашаротлардан ҳимоя қилади

34 С. АБДУРАҲМАНОВ

Ҳаводан сўғориш

36 А. МАМАНОВ

Сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг муҳим омили

38 П. СУЛТОНОВ

Оқсоқ-ота водийсининг янги палеонтологик топишмалари

МАҲАЛЛИЙ ТАЖРИБА ВА ХОРИЖ АМАЛИЕТИ

41 Е. КУРКИНА

Медиа-тур в Ташкентский завод по переработке ломов и отходов
цветных металлов

ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК

44 Р. МАТМУРОДОВ

Ангина – саломатлик кушандаси

ЭКОЛОГИЯ ВА ИҚТИСОДИЁТ

46 И. НОСИРОВ

Экологик менежмент табиатдан фойдаланиш
иқтисодиётини самарали бўлишини таъмин этувчи муҳим категория

ЭКОПРОФИЛАКТИКА

48 М. ҚОБИЛОВ

Ноқонуний қудуқлар бамисоли жар

ЭКОСАНА

50 Ноябрь

ЭКОДАЛИЛ

52 Биологик парчаланадиган электроника ва тухум

53 Қизиқувчанлик ва лоқайдлик сабаб (ми)...

ТАБИАТ ИЛҲОМЛАРИ

54 Осенний вернисаж

ҲАВОДАН СУҒОРИШ

С. АБДУРАҲМАНОВ, катта илмий ходим-изланувчи,
Наманган давлат университети

Аннотация

В статье излагаются результаты исследования возможности получения урожая овощных культур в аридных условиях без орошения.

Ключевые слова: Влажность воздуха, температура воздуха, мульчирование, пленка, растениеводство, орошаемая площадь, фермерское хозяйство.

Summary

There outlined the results of research that investigates the opportunities of gaining harvest from vegetables without irrigating in the areas where water supply for irrigation is deficient.

Keywords: Air wetness, air temperature, mulch, farming, irrigatable area, farm

Бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам аҳолининг ўсиб бориши билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. Ҳозирги вақтда деҳқончилик маҳсулотларининг 2/3 қисми суғорма деҳқончилик ҳудудларида етиштирилади. Аммо мисол тариқасида айтсак, Марказий Осиёда сув ресурслари тула ўзлаштирилган ва суғорма деҳқончилик ер майдонларини кенгайтириш имконияти ўта даражада чекланган бўлиб, фақат сувни тежаш ҳисобига буни амалга ошириш мумкин. Қўрғоқчил йилларда эса бунинг имкони йўқ ҳисоби. Бунинг устига, кейинги йилларда кузатилаётган иқлим исиши даврида Марказий Осиёда ёғин миқдори камайиб, бунинг натижасида дарёлар сувининг озайиб бораётганлиги ҳам суғорма деҳқончилиكنинг сув таъминотида муайян қийинчиликлар туғдиради.

интилиш жуда қадимдан мавжуд. 2009 йилдан бошлаб Наманган давлат университети география ва экология кафедрасида ҳаводаги намдан фойдаланиш бўйича тажриба ишлари олиб борилмоқда. Улар ўртача йиллик ёғин миқдори 200 мм дан кам бўлган ҳудудларда ўтказиб келинмоқда.

Биринчи навбатда тупроқдаги намни тўплаш имконияти синаб кўрилди. Бунинг учун 70x80x90 см ли чуқур қазилиб, унинг устига плёнка тортилиб маҳкамланди. Чуқурнинг ўртасига идиш қўйилди. Чуқур устига ёпилган плёнканинг ўртасига эса кичикроқ бир тош қўйилди. Натижада чуқур усти конуссимон қопқоқ билан ёпилгандек бўлди. Плёнканинг остки юзасида конденсацияланган томчилар шу конус бўйлаб оқиб, идишга тушадиган қилиб ёпилди. Кузатиш ишлари 2009 йил апрель-август ойларида ҳар куни бажарилди. Натижа қуйидагича бўлди:

Ой	Бир суткада йиғилган сув			Бир ойда йиғилган сув
	Энг кам	Энг кўп	Ўртача	
Апрель	13	218	73	2199
Май	47	300	122	3781
Июнь	101	481	204	6113
Июль	106	603	280	8675
Август	107	560	252	7813



Наманган вилояти Чортоқ тумани «Муродулла уста пахтакор» фермер хўжалигига қарашли майдонда «Суғормасдан ҳосил олиш» бўйича тажриба натижалари.

2016 йил 14 июнь.

Маълумки, ҳавода анча-мунча нам бор. Ҳисоблашлар шуни кўрсатадики, Марказий Осиёнинг устидан ҳаво оқимлари таркибида 1200-1300 км² сув ўтади. Бу сув миқдори Марказий Осиё дарёларининг йиллик сув миқдоридан 8-15 марта кўп. Ҳаво таркибидаги ана шу сувдан фойдаланишга

Жадвалдан кўриниб турибдики, ҳавоси қуруқ жойларда ҳам тупроқ ҳавосидаги намни йиғиш имконияти бор экан. Яна шуни таъкидлаш лозимки, йиғилган сув миқдори салқин ойларда озроқ, иссиқ ойларда кўпроқ бўлди. Бу бесабаб эмас албатта; ҳаво ҳарорати қанча юқори бўлса, ундаги мутлақ намлик шунча кўп бўлади.

Юқоридагилар асосида деҳқончилиكنи ҳаводаги нам ҳисобига амалга ошириш борасида Наманган давлат университетининг география ва экология асослари кафедрасида тажриба ишлари кичик майдонларда бир неча йилдан бери олиб борилмоқда ва уларнинг натижалари илмий матбуотда эълон қилинган. Бундай тажрибалар 2011, 2016 йилларда Наманган вилояти Чортоқ туманидаги «Муродулла уста пахтакор» фермер хўжалигида,



2012 йил «Иброҳим-Жамшид-Шоҳжаҳон» фермер хўжалигида, 2013 йил «Қурбанов Шарифбой миришкор» фермер хўжалигида, 2014 йил Жиззах вилояти Пахтакор туманининг «Сабо ғунчаси» фермер хўжалигида, 2015 йилда эса Наманган вилояти Косонсой туманининг «Ҳамкор» фермер хўжалигида ўтказилган.

Ўтказилган тажрибалар ҳар бир турдаги ўсимлик учун 4 та вариантда амалга оширилди. 1 вариант суғориладиган ва 3 та вариант эса суғорилмайдиган майдонларда ташкил этилди. Суғорилмайдиган майдонларда тупроқ намини ушлаб қолиш ва ҳаводаги намдан фойдаланиш мақсадида оддий 90 см ли полиэтилен ишлатилди. Бу тупроқда намни буғлатмай, узоқ муддат ўзида сақлаш имконини

беради. Тажрибалар помидор, булғор қалампири ва бақлажон ўсимлиги кўчатларида синаб қўрилди. Ташкил этилган тажриба майдонлари асосан 25, 30 ва 50 сотих ҳажмдаги майдонларда олиб борилди. Аниқланган натижалар кўчатларнинг ривожланиши, суғориладиган майдонларга нисбатан ўсиши, шона олиши, гуллаши ва ҳосилга кириш паллалари бир мунча эрталигини кўрсатди. Олиб борилган 6 йиллик тажриба натижаларига асосланадиган булсак, помидор ўсимлигининг ҳосилдорлик даражаси ўртача 180-250 центнергача, булғор қалампирида эса 60-90 центнергача, бақлажон ўсимлигида эса 80-120 центнергачани ташкил этиб, суғормасдан ҳосил олиш имконини кўрсатди.

Маълумки, Ўзбекистонда профессор П.Баратов маълумотлари бўйича 18 миллион гектар майдон ҳосил олишга яроқли ерлар ҳисобланади. Аммо ҳозирги вақтда бор-йўғи 4,2 миллион гектар, яъни, 23 фоиз майдондан суғорма деҳқончиликда, 1,1-1,3 миллион гектаридан лалми деҳқончиликда фойдаланилади. Қолган 12-13 миллион гектар ер деҳқончилик учун қарийб фойда бермайди. Бунинг сабаби, бу ерларда суғориш имкониятининг йўқлигидир. Улардан деҳқончиликда фойдаланишнинг иқтисодиётда аҳамияти беқиёсдир. Суғориш имконияти бўлмаган ерларда 1 гектар майдондан тупроқ ҳавосидаги нам ҳисобига, мисол учун, помидор ўсимлигидан 18-20 млн сўмлик даромад қилиш имкони мавжуд.



Наманган вилояти Чортоқ тумани «Муродулла уста пахтакор» фермер хўжалигига қарашли майдонда Суғормасдан ҳосил олиш бўйича тажриба натижалари. 22 май 2011 йил.